2006 ЙИЛ, 24 НОЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (10.789)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойдаги ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида бўлиб ўтган сайёр мажлиси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иш берувчилар (Фермерлар) билан ишловчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрларининг Тошкент вилоятида бажарилишига бағишланди.

● Кеча Қарши шаҳридаги «Журналистлар уйи»да «Босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган анжуманда оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида очиқ мулоқот бўлди.

● Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳрида божхона ва чегара назорати пости очилди. Мазкур терминал ёнида савдо ва маиший хизмат шохобчалари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

● 25-27 ноябрь кунлари Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб республика гимнастрада фестивали бўлиб ўтади.

● Қарши шаҳридаги Саидо Насафий номли вилоят ахборот-кутубхона марказида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, республика Бош прокуратураси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилган тадбирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги тегишли ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида «Пойкент текстиль» корхонасининг ишга туширилиши 120 нафар маҳаллий ёшларнинг иш билан таъминланишига имкон яратди. «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси негизида ташкил этилган янги корхона трикотаж-тикув маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

● Чуст туманидаги аҳоли энг жипс истиқомат қилувчи Олмос қишлоғи учун яна бир қулайлик яратилди. Яқиндан бошлаб қишлоқ аҳли «Наманган-Отайўл» автотранспорт корхонасининг қулай хизматларидан фойдалана бошлади. Олмос — Чуст — Наманган янги автобус йўналиши қишлоқ автостанциясини вилоят маркази билан боғлайди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Ливанда 10 минглаб аҳоли иштирокида мамлакатнинг саноат вазири Пьер Жмайелнинг дафн маросими ўтказилди. Ундан сўнг мамлакат пойтахтида кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Сурияга хайрихоҳ бўлган Президент Эмиль Лахуднинг истеъфога чиқишини талаб этдилар.

● БМТ махсус гуруҳи Ливан саноат вазири Пьер Жмайел қотилларини аниқлашга киришди. Ташкилот Хавфсизлик Кенгаши томонидан ташкил этилган тергов гуруҳи шу мақсадда Ливанга жўнаб кетди.

● Кеча Ироқ пойтахти Бағдод шаҳридаги асосан шиалар истиқомат қиладиган ҳудудда миналаштирилган учта автомобилнинг кетмакет портлатилиши натижасида 150 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Бу жорий йил бошидан буён Ироқда амалга оширилган энг қонли террорчилик ҳаракатидир.

● 2006 йил 9 июлда Иркутск аэропортида портлаб кетган «Сибирь» авиакомпаниясига қарашли «А-310» самолёти ҳалокати сабабларини ўрганиб чиққан давлатлараро авиация қўмитаси ушбу авиаҳалокатда тўлалигича экипаж аъзолари айбдор эканлиги тўғрисидаги хулосага келди.

● Парижда ўт ўчирувчиларнинг оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. 10 мингдан ортиқ намойишчилар ҳукуматдан маошларни ошириш ва ҳар ойда тўланадиган мукофот пулини қайтаришни талаб этишди.

● Москвдаги «Пирамида» халқаро молиявий компанияси раҳбари Александр Дюков ва унинг ёрдамчиси Замирбек Малайбековлар Шереметьево аэропортидан Туркияга учаётган вақтда оператив гуруҳ томонидан қўлга олинди. Айтиш керакки, «Пирамида» Швейцариядаги йирик консалтинг компанияси номидан иш юритиб икки йил мобайнида Россияда 1,5 миллиард, бутун жаҳон бўйича эса 10 миллиард АҚШ долларини фирибгарлик билан қўлга киритганликда айбланмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 25 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6 даража совуқ, кундузи 4-6 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида талабаларнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари билан ўтказган давра суҳбати «Жиноятчиликнинг олдини олиш омиллари» деб номланди.

● **КЕЧА** «Халқаро почтамт» очиқ акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Миробод туман бўлимлари ҳамкорлигида Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Конституция — Бош қомусимиз» деб номланди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Баҳор» маҳалласида Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида «Конституция — Мустақиллигимиз гарови» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, таниқли адиблар, ҳуқуқшунослар, ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Сергели туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман фаоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида уюштирилган семинарда партиялар аъзоларининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан шаҳримизда «Микрокредитбанк», «Ипотека банк» вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир «Тадбиркорликка кенг йўл» деб номланди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида «Талаба-ёшлар фаоллигини ошириш муаммолари ва уларни бартараф этиш» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида Тошкент молия институти талабалари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат автомобиль ва йўллар институтида талабалар, ўқитувчилар, соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Автомобиль йўли комплексида замонавий технологиялар» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** ирригация ва мелиорция институти талабалари, ўқитувчилари иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман гидротехника иншоотлари ишончлилиги ва улардан унумли фойдаланиш муаммоларига бағишланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЯНГИ АВЛОД — 2006» РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.



«ЯНГИ АВЛОД – 2006»: ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

Муҳташам саройга ўқувчи-ёшлар, юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, педагоглар, санъаткорлар таклиф этилдилар.

Ўзига хос санъат байрамига айланган мазкур тадбир нафақат болалар, балки фарзанди, ўқувчиси ва шогирдининг ижод оламида эришаётган ютуқларидан қалби қувончга тўлган ота-оналар, устоз-мураббийлар учун ҳам қувончли шодиёна бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ёш авлоднинг таълим-тарбияси масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ умумтаълим мактабларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, замон талабига мос дарсликлар яратилаётир. Айни пайтда ёш авлодга пухта ва мукаммал таълим беришдек масъулиятли жараён ёшлар онги ва қалбига она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдириш, уларни фидойи инсонлар этиб тарбиялаш билан узвийликда олиб борилаётир. Бундай хайрли юмушга турли вазирлик ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари, жумладан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ҚУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ҚУВАЙТ АЛОҚА ВАЗИРИ МАЪСУМА СОЛИҲ АЛ-МУБОРАК ХОНИМ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 23 НОЯБРЬ КУНИ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРДА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам ҳамкорлик ўрнатилгани қайд этилди. Бунда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йилнинг январь ойида Қувайтга расмий ташрифи давомида эришилган ахдлашувлар муҳим ўрин тутаётир.

Қувайт алоқа вазири билан бўлган учрашувда томонлар Ўзбекистон билан Қувайт ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

Делегация, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида ҳам музокаралар ўтказди.

ЎзА

Обуна —2007

ҲАФТАДА БЕШ КУН — «ОҚШОМ» БИЛАН!

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.



40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёркин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилгани мамлакатимиз кенг жамоатчилигида, беозор айтганда, таажжуб уйғотди. Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва «икки ёқлама стандартлар» бўйича иш тутишини яна бир бор намоён этади.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда 18 диний конфессия, жумладан, ислом, насроний, яҳудо, католик ва бошқа динлар вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келаётир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда динлараро, конфессияларараро, конфессиялар билан давлат идоралари ўртасида бирон-бир қарама-қаршилик ёки зиддият юзага келган ҳолат қайд этилмаган.

Кейинги вақтларда БМТ доирасида ўтказилаётган барча йирик халқаро конференция, семинар ва учрашувларда Ўзбекистоннинг динлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш борасида эришган ютуқлари ҳар тарафлама эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси айрим сиёсатчиларнинг, давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларининг очиқдан-очиқ иғвогарликдан иборат ҳамда динлараро ҳамжиҳатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асоссиз уйдирмаларига нисбатан ҳар доим принципиал ва изчил позицияда бўлиб келган.

Бу, аввало, халқаро террорчиликни муқаддас ислом дини билан боғлашга уринишлар, Ғарб нашрлари «сўз эркинлиги» шиори остида юз миллионлаб мўмин-мусулмонларнинг миллий ғурури ва шаънини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир.

Ўзбекистон ҳамиша бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайди. Ўзбекистон томонидан Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) карикатуралар нашр қилинганининг ҳамда Рим Папаси Бенедикт XVI ислом дини ҳақида масъулиятсизларча айтган гапларнинг қораланиши бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси шаклланган ҳамда ривожланган марказлардан бири сифатида эътироф этилган. Биз номлари бутун мусулмон оламида чуқур эҳтиром билан тилга олинадиган буюк уламолар ва файласуфлар мана шу муқаддас заминда яшаб ижод этганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўзбекистон ушбу бебаҳо маънавий меросни тиклаш, ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий динлар вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун Конституция ва қонун билан ҳамма шарт-шароит яратилган ва кафолатланган, деб қатъий айтишга барча асосларимиз бор. Миссионерлик билан шуғулланадиган турли диний оқим ва секталар фаолиятига келсак, Ўзбекистон бу масалада мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг асосий қоидаларига таяниб иш тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарори мутлақо асоссиз бўлиб, бу мустақил Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди.

«Янги авлод – 2006»:

ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташкил этилганидан буён унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ушбу жамғарма миллий маданиятимиз ва санъатимизни юртимиз ва хорижда фаол тарғиб этувчи ташкилот сифатида эътибор қозонгани диққатга сазовор. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган турли санъат фестивал-лари, кўргазма, концерт ҳамда кўрик-танловлар, халқаро симпозиум ва анжуманлар, давра суҳбатлари бунинг далилидир. "Келажак овози", "Навқирон Ўзбекистон" каби фестивалларюртимиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бормоқда.

"Янги авлод" Республика болалар ижодиёти фестивали ҳам ана шундай тадбирлар сирасидан. У болалар ижодиёти борасида эришилган ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш имконини беради.

Уч босқичда ўтказилган мазкур фестивалда юртимизнинг олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган минглаб ўғил-қизлари фортепиано, торли ва дамли чолғуларда ижро, хонандалик (анъанавий, академик ижро ва эстрада), миллий чолғу асбоблар, хореография (миллий, бал, спорт ва замонавий рақс, балет), тасвирий ва амалий санъат, шеърият ва нотиқлик санъати каби йўналишларда ўз маҳоратини тақдим этди. Энг фаол, ёрқин ва бетакрор ижро эгалари фестивалнинг якуний босқичида — катта саҳнада ўтган гала-концертда ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

— Фестивалга «Истиқлолинг муборак» қўшиғини дўстим Муҳиддин Мейлиев билан биргаликда тайёрлаб келиб, совринли ўринни эгаллаганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 40-нафис санъат мактаби ўқувчиси Артур Озодов. — «Янги авлод — 2006» фестивали биз каби ёшларнинг катта саҳнага чиқишига ёрдам беради. Бизга шундай шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимиз Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.



Фестивалнинг энг фаол қатнашчилари ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Наталья Семёнова олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН «IMPORT SHOP BERLIN — 2006» КЎРГАЗМА-САВДОСИДА

ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИДА ЖОЙЛАШГАН ДУНЁНИНГ ЙИРИК КЎРГАЗМА МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ - «МЕССЕ БЕРЛИН»ДА «IMPORT SHOP BERLIN — 2006» ДЕБ НОМЛАНГАН ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК КЎРГАЗМА-САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Import shop Berlin — 2006» турли мамлакатлар ҳунармандлари яратган санъат-корона меҳнат намуналарини мухлисларнинг кенг доирасига тақдим этиш, турфа халқларнинг ранг-баранг маданияти билан кўпчиликни таништириш, соҳа кишилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда тажриба алмашишга имкон яратадиган нуфузли ва ўзига хос халқаро анжуман ҳисобланади.

Жорий йили «Import shop Berlin — 2006»да дунёнинг 60 мамлакати вакиллари қатнашди. Кўргазманинг 500дан зиёд бўлмаларида сопол, табиий тери, ёғоч, чинни, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Уларнинг барчаси халқ усталарининг моҳир қўллари билан яратилган. Тадбирга келувчиларнинг сони 40 минг кишидан ошди.

Тадбирда Ўзбекистон вакили — «Нигористон» бирлашмасининг моҳир устаси Қаҳрамон Шоисломов ҳам иштирок этди. Юксак дид билан безатилган Ўзбекистон бўлмасида ипак буюмлар, зардўзлик, рангли сопол маҳсулотлари, миниатюра ва бошқа халқ амалий санъатимизнинг турли-туман намуналари намойиш этилди. Улар нафақат тадбирга ташриф буюрувчиларда, балки ўзбек халқининг бой тарихи, санъати ва урф-одатлари билан қизиқувчи мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» АА,
Берлин

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

РУМ МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИБ, ҚАЙСАР ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шом шаҳарларини забт этганимдан кейин ва Мисру Шом подшоси Малик Фараж жанг майдонини ташлаб қочгандан сўнг, Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини[1] олиб келди. Лекин [Боязид] Миср ва Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинч равишда юришга тайёргарлик кўра бошлаганини ҳам айтди. Мен эса кенгашиб Димишқ шаҳрини олиб, Шом вилоятларини бўйсундиргач, Мўсул[2] йўли билан Бағдодга қараб юрдим. Бу билан қайсарнинг мен билан уруш қилиш нияти борйўқлигини билиб олмоқчи бўлдим.

Табриз тарафга қараб юрдим. Амирзодалардан баъзиларига кўп сонли лашкар фавжларини қўшиб, Бағдод устига жўнатдим. Бу вақтда Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалоир шаҳарни ва унинг қалъасини қўриқлашни навкари Фаррухга топшириб, ёнига кўп одамларни қўшиб берганди. Амирзодалар Бағдодга етиб, шаҳарни қуршаб олдилар. Иш уруш қилишга бориб тақалгач, [чопар орқали] бор ҳақиқатни менга арз қилдилар. [Бу хабарни] эшитиб ўзим Бағдодга бориб, шаҳар ва қалъани озод этишга қарор бердим. Табриз йўлидан орқага қайтиб, юриш билан Бағдодга келдим ва эҳтиёткорлик билан ҳарбий ҳийлалар ишлатиб, қалъани қўлга олишга киришдим. Қамал муддати икки ойу ва яна бир неча кунга чўзилгандан кейингина қалъа билан шаҳар ишғол этилиб, ғалаба қозонилди[3]. Қалъа бошлиғи Фаррух Дажла дарёсида ғарқ бўлди. Мен шаҳарга кирдим ва барча бебош, бузуқи кишиларни ўлдиришни, қалъа ва шаҳар иморатларини бузиб ер билан баробар қилишни буюрдим.

Бағдоддан кейин Озарбойжонга келдим ва ўша ерда бир қанча вақт туриб қолдим. Шу аснода қайсар Ҳалаб, Ҳумис ва Диёрбакр[4] вилоятларига лашкар фавжларини юборгани ва мендан қочиб қайсар паноҳига кирган қора Юсуф туркман эса қароқчилар бошлиғига айланиб, айниқса икки муқаддас шаҳар[5] зиёратига қатновчиларнинг карвонларига кўп зарар келтираётганлиги хабари қулоққа эшитилди. Бунинг устига ўша тарафлардан бир жамоат кишилар келиб, улар ҳам қора Юсуфнинг жабр-зулмидан арз қилдилар. Шунинг учун қора Юсуфнинг жазосини бериб, қайсарнинг кўзини ғафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда маслаҳатни шундан топдимки, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар тўплаб, қайсарнинг устига ёпирилиб боргайман. Лашкарлар жам бўлгандан кейин ҳижрий 804 йилининг ражаб ойида (милодий 1402 йил февралида) Озарбойжондан чиқиб, қайсарга қарши жанг қилиш учун йўлга тушдим. Ўзимдан илгари лашкаримдан бир неча фавжини Рум мамлакати устига тўсатдан босқин қилишга тайин этдим. Яна бир неча фавжга эса йўлимиздаги тўхташ манзилларини кўздан кечириб, емиш ва ичмишни ҳозирлаб туришни буюрдим. Ўзим Ангурия[6] йўли билан юриш қилдим. Қайсар тўрт юз минг отлиқ ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди. Урушни бошладим ва уни енгдим[7]. Қайсарни лашкарбошиларимдан бири қўлга тушириб, ҳузуримга келтирди.

Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим[8].

(Давоми бор).

1 Ибн Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, Боязид I Йилдирим ўзининг жавоб хатида Амир Темурдан орани очиқ қилиш учун унинг ҳузурига келишни талаб қилган. Акс ҳолда, «хотинларинг уч талоқ» («талоқ би-с-салоса») бўлсин, деб уни ҳақорат қилган.

2 ***Мўсул*** *– Араб Ироқининг катта шаҳарларидан.*

3 «Зафарнома» муаллифи Яздий ёзишича, Амир Темур 1401 йил 20 июнида Бағдодни иккинчи маротаба эгаллаган.

4 ***Диёрбакр*** *– Месопатамиянинг юқори қисмида жойлашган шаҳар.*

5 Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара берилган фахрли ном.

6 ***Ангурия*** *– ҳозирги Анқара шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.*

7 Бу жанг 1402 йил 20 июлда Анқара остонасидаги Чимбўқабод мавзеида Амир Темурнинг Боязид Йилдирим устидан қозонган тўла ғалабаси билан якунланган.

8 Амир Темурнинг ғарбий Эрон, Озарбойжон, Кичик Осиё ва Сурияга қилган етти йиллик ҳарбий юришлари 1399 –1404йилларда рўй берган ва у 1404 йил август ойида Самарқандга қайтган.

Тадбиркорлик

АРЗОН ВА ПИШИҚ ҚУВУРЛАР

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАФАҚАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ, БАЛКИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНЛИГИ БИЛАН ҲАМ ХАРИДОРЛАРНИ МАМНУН ЭТМОҚДА.

Шунинг баробарида уларни экспортга чиқаришга, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашига ҳам саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиқли кўплаб товарларимизнинг хорижий давлатларда ҳам харидорлари борлиги билан исботини топмоқда. Мустақиллик шарофати билан ташкил топган «Мироб-дизайн» хусусий корхонаси юртимизда ушбу соҳага қаратилган эътибор ва яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланаётган жамоалардан ҳисобланади. Хусусий корхона тадбиркорлари Туркия ва Германияда ишлаб чиқарилган қувурлар, ситиш қозонлари ва коммуникация тизимлари учун бошқа ускуналарни мамлакатимиздаги харидорларга етказиб бериш билан шуғулланади. Бу борада уларнинг, айниқса Туркияда фаолият кўрсатаётган «FIRAT» компанияси билан яқин ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Ҳамкорлик самараларидан энг аҳамиятлиси шундан иборатки, яқинда корхонада мини-завод ишга туширилиб, эндиликда буюртмачиларга анча арзон ва пишиқ пластмасса қувурлари етказиб бериш йўлга қўйилди. Шуниси эътиборлики, тадбиркорлар ушбу цехни замонавий ускуналар билан жиҳозлашда «Капиталбанк»нинг молиявий кўмагига таянишди. Ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар сифатли ва рақобатбардош пластмасса қувурлар тайёрлашда қўл келмоқда.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб изланаётган корхонада нафақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, шунинг баробарида буюртмачиларга ана шу пластмасса қувурларни ўрнатиб бериш ва сервис хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Энг муҳими эса ушбу пластмасса қувурлар темир қувурлардан пишиқлиги ва ўрнатишга қулайлиги, 50 йиллик кафолати борлиги билан ажралиб туради. Шунинг баробарида экологик тозалиги, ҳеч қандай ҳид чиқармаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбиркорлар харидорларга ўз маҳсулотларини вақтида, сифатли ва бирмунча арзон нархларда етказиб бериш мақсадида шаҳримизда, шунингдек республикамиз вилоятларида фирма дўконлари фаолиятини йўлга қўйган ҳамда дилерлари бор. Корхонада меҳнат қилиб, сифатли қувурлар тайёрлашга ҳисса қўшаётган 50 нафар ишчи-хизматчи маҳсулотлари жаҳон андозалари талаблари даражасида бўлишига эришиш учун астойдил интилишмоқда. Шу билан биргаликда талаблардан келиб чиққан ҳолда ва имкониятлардан самарали фойдаланиб маҳсулот турларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Албатта, сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон, харидорлари ҳам кўп бўлади. Шунинг учун бўлса керак, юқоридаги корхонада тайёрланаётган пластмасса қувурларга қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидан ҳам талаблар тушмоқда. Бу эса келгусида тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишларидан, мамлакатимизга валюта тушуми киритишларидан далолатдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

Тадбирлар

КОНСТИТУЦИЯ ВА СИЁСИЙ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ — ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ЎЗ ХОҲИШ ИРОДАСИНИ ЭРКИН ИФОДАЛАШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҲУҚУҚИЙ ШАРОИТ, ҚОНУНИЙ АСОС ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН.

Шу маънода Юртбошимиз: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир», — деган эдилар. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда бир қатор изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2002 йил 27 январдаги умумхалқ референдумидан сўнг, 2004 йил 26 декабрдаги сайловлар натижасида икки палатали парламентнинг шаклланиши, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — буларнинг барчаси юртдошларимизнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишлари, сиёсий билимлари ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Албатта, мамлакатнинг сиёсий тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг сиёсий онгини оширишда Конституциямизнинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон ФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган «Жамиятни демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда Конституция ва сиёсий тизимни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуидаги давра суҳбатида юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўз олган Тошкент Давлат юридик институти биринчи проректори, доцент Д.Аҳмедов, Ўзбекистон ФМДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби А.Акромов, юридик фанлари доктори, профессор О.Оқюлов, Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент С.Хидировлар жамият сиёсий тизимида сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш бўйича конституциявий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш муаммолари хусусида талабаларга тушунчалар беришди.

Тадбир давомида ҳар бир маъруза юзасидан ўзаро фикр алмашиниб, кейинги ўқув режасида Конституциямизни ўрганишга доир масалалар ҳақида фикрлашиб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ҚОРХАТГА РАҲМАТ

Биринчи қор ёққан куни унга қараб завқлана туриб хаёлимга бир фикр келди. Кўпдан бери кўришмаган яқин дўстим бор эди. Шунга қорхат ёзаманда, уйига элтиб, шу баҳона дўстимни ҳам кўриб келаман. Шундай қилдим. Қорхатнинг барча шартларини ёзиб чўнтакка солдим-да, қайдасан Чилонзор дея йўлга тушдим.

Эшикни ёшгина бола очди. Ундан Саидваққосни сўрасам: «Адам уйда йўқлар, касалхонада ётибдилар», деди. Билдимки бу бола дўстимнинг ўғли.

— Уйда ким бор, онанг борми?

Овозни эшитиб ичкаридан Саидваққоснинг аёли чиқди. Саломлашгач у:

— Оғайнингизнинг таблари йўқ, касалхонада ётибдилар, — деди маъюсланиб. Дарҳол манзилини сўраб-суриштирдим. Яқин ўртадаги бозорга кириб у-бу харид қилдим-да касалхонага бордим.

— Анча мазалари йўқ. Олдиларига кирмаганингиз маъқул, уринтириб қўясиз, — дейишди шифокорлар.

ҲАММА ҲАМ ШУНДАЙ ОҚИБАТЛИ БЎЛСИН

Даврада меҳр-оқибат ҳақида суҳбат борарди. Шунда ўтирганлардан бири «Сўнгги вақтларда одамлар орасидан меҳр-оқибат кўтарилиб боряпти-да», деб қолди. «Йўқ, дедим мен. — Қайтанга меҳр-оқибатли кишилар ликми», десам у:

— Саидваққос оғайниз оламдан ўтибдилар. Тезда бораркансиз, — деди сўник товушда.

Шу куни қоқ пешин вақтида дўстимни қабрга қўйдик. Қабристондан қайтарканман ўксик кўнглимга бир нарса тасалли берарди. У ҳам бўлса қорхат баҳона сўнгги марта Саидваққос билан юз кўришганим эди. Шуни ўйлаб қорхатга раҳмат дейман. Агар у баҳона бўлиб дўстим билан дийдорлаша олмай қолганимда ўзимни ўзим кечира олмасдим.

ШОШМА-ШОШАРЛИКДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Ўтган йили яхши ният билан мебеллар дўконидан бир стол, шунга монанд олтита стул харид қилдик. Лекин бир йилга бормай бир йўла учта стулимизнинг оёқлари елимланган жойидан кўчиб кетди. Аёлим уларга тикила туриб:

— Қаранг отаси, шунақа ҳам сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришадими? Наҳотки усти ялтироқ, ичи қалтироқ бу маҳсулотлар бир йилга етмасая, — деб қолди. Унинг бу гапи менга қадимдан қолган бир ҳикоятни эслатди.

Кунлардан бир куни бир мутакаббир ўргимчак ипак қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман. Бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб, кўп вақт сарф этасан. Мана менга қара, тез-тез ишлаб озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан оёғигача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдими? — деди.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ишда суръат, меҳнатда тезлик керак. Лекин сен сингари палапартиш ишлашдан фойда чиқмайди. Шунинг учун сенинг тўринг сифатсиз. Одамларга нафи тегмайди. Оз ўтмай титилиб кетади. Мен шошмасдан меҳнат қилиб пишиқ-пухта, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараман. Шу боис одамлар ўртасида менинг қадр-қимматим сеникидан баланд.

Қиссадан ҳисса шуки, шошма-шошарлик билан ишлашдан ҳеч фойда ҳосил бўлмайди. Ишнинг сонига эмас, сифатига диққат қилиш лозим. «Оз ишла, соз ишла», деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Бир зум кириб чиқишимни айтиб илтимос қилдим. Ниҳоят тез чиқиш шарти билан киришга розилик беришди.

Эшикдан киришим билан Саидвоққос даст ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Қимирлама, қимирлама, — дея уни жойидан қўзғатмадим.

— Қандай шамол учирди? — сўради у кутилмаганда пайдо бўлиб қолганимдан ҳайрон бўлиб.

— Сенинг шамолинг, — кулдим мен.

— Хайрият, сени ҳам кўрадиган кун бор экан.

Анча-мунча суҳбатлашиб ўтирдик. Тезроқ тура қолай десам дўстимнинг гапи тугамасди. Ҳар қўзғалганимда «Ўтиравер, ўзим зерикиб ётган эдим», деб кетишга изн бермасди. Ҳазилхузул қилиб қорхатдан оғиз очай десам ўрни эмас. Майли, касалхонадан соғайиб чиққанида гурунглашиб қўлига тутқазаман, деган фикрда кетишга ижозат сўрадим.

— Энди сен билан қайта кўришамизми, йўқми, билмадим. Лекин...

— Яхши ният қил, — дедим унинг сўзини бўлиб, — соғайиб кетасан. Ҳали сен билан кўп чақчақлашамиз.

— Айтганинг келсин.

Шу тариқа Саидваққос билан хайрлашдик. Чиндан ҳам унинг аҳволи оғир эди. Дўстим билан узоқ кўришмаганимизни эслаб, йўл-йўлакай ўзимни ўзим қойиб бордим. Баъзан шунақа бўларкан. Кундалик ташвиш, ишлар билан овора бўлиб, яқинларингни ҳам унутиб қўяркансан. Бўлмаса, болаликдан бирга ўсган қадрдонимни йўқламай қўярмидим. Унинг ўзичи? Ўзи нимага йўқламади экан? Балки унинг ҳам ташвиши меникидан кам бўлмагандир. Шундай хаёлларда уйга қайтдим.

Эртасига энди нонуштага ўтирган эдик, бехосдан телефон жиринглаб қолди. Аёлим гўшакни кўтарди-ю, ранги қути ўчиб уни жойига қўйди. «Тинчкўпайиб боряпти». Бу сўзимнинг исботи учун бир нечта мисоллар келтирдим.

— Ҳа, энди булар ҳам бир гап-да, — деди у ўз фикрини маъқуллаб.

— Ҳеч бўлмаса узоққа бормай ён қўшнингиз Салимжонни олинг. Отасидан қолган бутун бошли уй-жойни почасига қолдириб, ўзи кўп қаватли уйдан жой олиб кўчиб кетдику. Шунинг ўзи меҳр-оқибатнинг намунаси эмасми?

Суҳбатдошим ўйланиб қолди ва ниҳоят:

— Бу бошқа гап. Лекин ҳамма ҳам бизнинг кўшнининг ишини қила олмайди.

— Тўғри, лекин бу ҳам бошқаларга бир ибратда. Ахир бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил дейдилар. Бу гапни эшитиб фикр қиладиганлар ҳам топилиб қолар.

— Нима бўлган ўзи, бундай тушунтириб гапирсангизчи? — воқеага қизиқиб сўраб қолишди ўтирганлар. Шундан кейин уларга бор гапни айтиб бердим.

Маҳалладошимиз Қодир аканинг бир ўғил, бир қизи бор эди. Болалари уйли-жойли бўлганидан сўнг Қодир ота, кейин аёли бирин-кетин вафот этишди. Опа-ука аҳилликда ота-она маросимларини бекаму кўст ўтказишди. Кўп ўтмай ука —Салимжон тор ҳовлида қолиб кетган опаси билан поччасини ота ҳовлига кўчириб келди. Дастлаб опа — Ҳалимахон унамади.

— Одатда қиз бола бировнинг хасми бўлади. Шундай экан, ҳовли-жойда поччанг билан бизнинг ҳаққимиз йўқ. Отамиздан қолган уй-жой сенга тегишли, ука, — деди. Поччаси ҳам шу сўзни маъқуллаб турди. Лекин Салимжоннинг зўрлови, қийин-қистови билан опа билан почча бола-чақаси билан ота ҳовлига кўчиб келишди. Ўн йил ҳаммалари биргаликда яшашди. Рўзғор ўртада бўлди. Икки оила бир ин меҳр-оқибат хусусида мен билан баҳслашаётган суҳбатдошим мулзам тортди. Шунга айтадиларда «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деб.



Оила даврасида

Ҳаёт сабоқлари

ИККИ ЁШНИНГ ТАҚДИРИ

Мен кутган автобус келавермади. Бекатга хушрўйгина, нафақа ёшидаги бир аёл келиб ўтирди. Анчадан бери кутяпсизми? — деган савол билан мурожаат қилиб ёнимга ўтирди. Жуда гаплашгиси келиб турарди. Табиийки, бундай пайтда фикри бир жойдан чиқиб қолган аёллар дарров суҳбатга киришиб кетадилар.

Халқимизда қўлингдан келса дардманларга ёрдам бер, бўлмаса тилинг билан таскин бер, буни ҳам эплай олмасанг ёки истамасанг, эътибор билан суҳбатдошингни тингла, деган нақл бор.

Бошида эътиборсизлик билан тинглаётганим аёлнинг ҳикояси кейинроқ мени ўзига торта бошлади Аёлнинг сўзлари маъноли, ҳаётий ва жуда ачинарли эди. Энг муҳими, гап икки ёшнинг аччиқ тақдири ҳақида кетарди. Мунира опанинг айтишича бундан ўн олти йил аввал ўғли Расул бир қиз билан севишган экан. Қиз 2-курс талабаси, Расул 4-курс талабаси, армия сафида хизмат қилиб қайтган, қизнинг ҳам онаси бундан хабардор экан.

Хуллас, ўғлининг гапи билан Мунира опа совчиликка боради. Она розилигини, аммо қизнинг дадаси ва қайнонасидан рухсат бўлиши шартлигини айтади. Маълум кунини белгилаб, яна келмоқчилигини, жавоб олиб қўйишини илтимос қилиб Мунира опа уйига қайтади. Учрашув кунининг муддатидан бир кун олдин қизнинг онаси телефон қилиб, Мунира опага келмай қўя қолишини, эри ва қайнонаси рози бўлмаганликларини айтади. Сабаби, ўқитувчига келин қилиб берадиган қизлари йўқ эмиш (Мунира опа ўқитувчи экан). Ойликка қараб яшаган оилада қизи бахтли бўлмас эмиш.

Ўртадаги соф туйғулар, икки ёшнинг ўртанган дили, одамийлик фазилатларидан бегона бу оила билан алоқа узилибди. Бу ҳам майли. Бувининг гаплари Мунира опани ҳайрону лол қолдирибди. Эмишки, бу қиз бош набира бўлиб, бу обрўли (амалдор демоқчи), бадавлат хонадонга келин бўлса, қолган тўрт қизга ҳам шундай оиладан куёв чиқар экан.

Кунлар ўтиб ота-она ўзлари орзу қилгандек қизлари Моҳирани хўжалик моллари билан савдо қилувчи ташкилот раҳбарининг ўғлига узатишибди. Куёв — Аҳад отасига ёрдамчи экан. Буви ва отанинг орзуси ушалиб, бирин-кетин иккита қиз набирали ҳам бўлишибди. Лекин...

Бу ёқда Расул. У ҳам ўз тенгига уйланиб, бир ўғил ва бир қизли бўлибди. Фарзандларини жуда яхши кўрар, хотинини ҳам ҳурмат қилади. Аммо кўксини бир дард ғижимлаб-ғижимлаб қўяди. Бу эса оила тотувлигига раҳна соларди. Буни кўрган онанинг уйқусида ҳаловат, юриш-туришида фароғат йўқ. Ўғлига қараб, ич-ичидан ачинади.

Яқинда Мунира опа Моҳирани кўриб қолибди. Икки қизи билан ота уйида яшаётган экан.

— Нега отангизникига қайтиб келдингиз,—деб сўрашга ботинмадим,—дейди Мунира опа ачиниб.— Ҳеч кимнинг ишқи увол бўлмасин, болалар тирик етим қолишмасин, деб сўзини тугатди Мунира опа.

— Орадан анча вақт ўтган бўлса ҳам бу воқеий ҳодисани ҳеч унута олмадим. Ахир муҳаббат деган улуғ туйғу покиза қалбдан жой олади. У инсон юрагига бойлик, амал-унвонни суриштириб, сўнг кирмайдику...

Мен бу воқеани боламни бахтли қиламан деб, аслида бахтсиз қилиб қўйганини билмай қолган оталар, оналар мисолида бошқаларга озгина бўлса ҳам ибрат бўлар, деган умидда қоғозга туширдим.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА

Қатралар

УМР

Кеч куз бўлса ҳам ҳовлидаги садарайҳонлар кўм-кўклигини йўқотмай хушбўй ҳидларини таратади. Қатордаги бир туп райҳоннинг оқариб қуригани кўрдиму энгашиб унинг орқасида паналаб ўсган шўрани тортишим билан райҳон ҳам суғурилиб чиқди. Шохлари бағримга тегиши билан ҳиди димоғимга урилди.

Қизиқ, қуриб қолган бўлса ҳам кўм-кўкликдаги ҳидини йўқотмай дилни хушнуд қиляпти. Ҳозиргина суғурганим кўм-кўк шўрада эса на ёқимли ҳид бор, на менга бир манфаат. Шу баҳона шоир Мақсуд Шайхзоданинг қалбимга муҳрланиб қолган сатрлари ёдимга тушади:

Умрлар бўладики тиригида ўликдир.
Умрлар бўладики ўлигида тирикдир.

ҚАДР

Ҳазонрезги маҳалида, кучоққа сиғмас ёнғоқ дарахтининг қуриган барглари ҳар куни тўкилгани-тўкилган. Кўчадан ўтганларнинг дили хира тортмасин, ернинг бети озода турсин, деб уй бекаси супуришдан эринмайди. Бирдан шамолнинг зарбидан мўрт чўкиртаклар синиб ерга учади.

— Энди ерни ифлос қиладиган сенлар қолувдинг,— дейди аёл уларни тўплар экан. Кўп йил ҳам мева қилиб, ҳам таёқларнинг зарбини ея вериб ичириган ёнғоққа ёқимсиз бу сўз ёқармиди?

— Қариганимда қадрим шу бўлдими? — дейди қирс-қирслаб...

БЕБАҲО БОЙЛИК

— Ошпазлар қўлида ўйнаб, паловхонтўрани фақат мен сузаман,— мақтанди капгир.

— Бошқа таомларни ҳам менчалик суза олганингда эди, мақтансанг ярашарди,—деди чўмич.


— Тўғри,— деди ўтин, — хизматингизнинг ўз ўрни бор. Лекин мен жонимни фидо қилиб ёнмасам, қандай таом пишадию, нимани сузасиз?

Ўтин бебаҳо бойлик, бор нарсани юзага чиқарадиган улкан неъматдир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Бўш вақтингизда

СКАНВОРД



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Тошкент Молия институти «Молия», «Банк иши», «Лойиҳаларни молиялаштириш», «Молиявий таҳлил», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедралари мудири ҳамда қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринлар: «**Ўзбекистон тарихи»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи; «**Фалсафа»** доцент, катта ўқитувчи; «**Иқтисодий назария ва педагогика»** профессор, доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбек ва рус тиллари»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи; «**Чет тиллари»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи; **«Иқтисодий география ва экология»** катта ўқитувчи; **«Молия»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент; «**Банк иши»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент; **«Лойиҳаларни молиялаштириш»** профессор, доцент, катта ўқитувчи; «**Бизнес ва иқтисодиёт»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий менежмент»** катта ўқитувчи; «**Солиқ ва солиққа тортиш»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий таҳлил»** доцент, катта ўқитувчи, ассистент; **«Аудит»** доцент, катта ўқитувчи; **«Қимматли қоғозлар бозори»** доцент, катта ўқитувчи; **«Математика»** доцент, катта ўқитувчи; «**Суғурта иши»** доцент, катта ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел: 134-66-58

Ректорат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2006 йилнинг 24 ноябридан — 2006 йилнинг 17 декабригача

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки



ЦИРК

ФАҚАТ 9 КУН
КИНГ ВА ЙЎЛБАРСЛАР ҲАВО АТТРАКЦИОНИ
«Оқ қушлар»



Дастурда ўргатилган ҳайвонлар: АЙИҚЛАР, ЧАВАНДОЗ МАЙМУНЛАР, ПАКАНА ОТЛАР ВА ЭШАКЛАР шунингдек, ЖОНГЛЁРЛАР, КЎЗБОЙЛОҒИЧЛАР ВА ҚУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

ШОШИЛИНГ! ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ!

Томошалар: шанбада соат 12.00 ва 13.00да, якшанбада 12.00, 15.00 да, 8 декабрда соат 15.00 да бошланади.

Жадвалда ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Қисқа муддатга квартирани ижарага бераман. **Тел: 127-62-48**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Газетанинг навбатдаги сони 28 ноябрда чиқади.

ДУШАНБА, 27

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
